2006 ЙИЛ, 7 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 239 (10.796) Баҳоси эркин нархда

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Кеча Миллий Матбуот марказида «Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг конституциявий ҳуқуқи кафолатлари» мавзуида давра суҳбати ва «Жамият» ижтимоий-сиёсий газетасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда сиёсий партиялар раҳбарлари, таниқли сиёсатшунослар, етакчи оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган кўргазма очилди. Шаҳарнинг қадимий тарихи, бугунги қиёфаси, аҳолисининг бетакрор урф-одатлари акс эттирилган фотосуратлар ўрин олган мазкур кўргазма 26 декабргача давом этади.

● Жиззах шаҳар педагогика коллежида хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга бағишланган ўқув семинари ўтказилди. Жиззах вилоят хотин-қизлар қўмитаси Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоят филиали, вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси, «Истиқболли авлод» ёшларни қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда ташкил этган ушбу тадбирда Бош Қомусимиз ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ижроси таҳлил қилинди.

● «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент вилоят бўлими ташаббуси билан Ўрта Чирчиқ туманида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишлаб спорт байрами ташкил этилди. У «Соғломжон — полвонжон» ҳамда «Отам, онам ва мен» деб номланган икки босқичдан иборат бўлди.

● Жиззах шаҳридаги «Наврўзбулоқ» пойгагоҳида Ҳомийлар ва шифокорлар йили ҳамда Ўзбекистон Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган «Багги» русумли автомобиллар пойгаси бўйича республика чемпионатининг финал босқичи бўлиб ўтди.

● Самарқанд шаҳрида ўтказилган анъанавий республика қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўргазмасида «Боғбон» чорвадорлик хўжалигининг қоракўл терилари мутахассислар томонидан бир овоздан энг яхши деб топилди.

● Денов туманидаги «Сурхонозиқовқатсаноати» акциядорлик жамиятида пахта ёғини қадоқлаш бўйича янги линия ишга туширилди. Бу корхона маҳсулотининг бир қисмини хорижга экспорт қилишга имкон яратади. Айтиш керакки, ҳозирнинг ўзида хорижлик истеъмолчиларга 1200 тонна полиэтилен идишга қадоқланган пахта ёғи юборилди.

### ЖАҲОНДА

● Парижда «Олтилик» давлатларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Эроннинг ядро дастури атрофидаги зиддиятли масала кўриб чиқилди. Бироқ, томонлар бу борада расмий Теҳронга қарши қўлланиладиган санкция резолюцияси лойиҳаси юзасидан бир тўхтамга келолмадилар.

● Маълумки, Гаага трибуналида Серб радикал партияси етакчиси Воислав Шешел устидан суд жараёни бўлиб ўтмоқда. Айбланувчи кўп томонлама ҳуқуқи чекланганлиги сабабли очлик эълон қилганига 27 кун бўлди. Натижада унинг вазни 25 килограммга пасайган, кўпгина хасталиклар жумладан юрак етишмовчилиги келиб чиққан. Шифокорларнинг таъкидлашича, Шешелнинг соғлиғи қаттиқ хавф остида.

● АҚШнинг НАСА аэрокосмик агентлиги раҳбарияти Ойда халқаро станция қуришни режалаштираётганини билдирди. Режаларга кўра мазкур базанинг қурилиши 2020 йилда бошланиб, тўрт йил давом этади.

● Парагвайнинг собиқ президенти Луис Гонсалес Магчи саккиз йилга озодликдан маҳрум этилди. У давлат маблағини ноқонуний тарзда ўзлаштирганликда айбланмоқда.

● Австралиянинг Клинсленд университети олимлари вулқонлар отиладиган жойларни олдиндан аниқлашнинг янгича усулини ишлаб чиқишди. Мазкур усул оддий бўлиб, вулқон отилиши ер ости силкинишларига кўра аниқланади. Олимлар вулқонлар ҳақида етарлича маълумотга эга бўлиш билан бирга, отилишга тайёр турган лаваларни олдиндан аниқлаш усулини ҳам яратишган.

● Қатар пойтахти Доха шаҳрида ўтказилаётган 15-Осиё ўйинларида кеча ҳамюртларимиз дастлабки олтин нишонларни қўлга киритишди. Юртдошларимизнинг ушбу улкан ғалабасини академик эшкак эшиш бўйича жуфтликлар ўртасида минг метр масофага эркаклар ва аёллар жамоамиз аъзолари таъминлашди.

● Россия ва Япония ҳукуматлари айрим фуқароларнинг борди-келдисини осонлаштириш учун виза тартибини соддалаштиришга келишиб олишди. Янги қоидага кўра Япония тадбиркорлари томонидан мамлакатга таклиф қилинган ишбилармонлар учун визанинг энг қисқа муддати 90 кунгача узайтириладиган бўлди. Бу қоида Россияда юридик мақомга эга бўлган япон фирмалари соҳиблари учун ҳам тааллуқли.

## Конституциямиз яшамоқда ва амал қилмоқда

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

**МУСТАҚИЛ РЕСПУБЛИКАМИЗ ЎЗ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИ БЕЛГИЛАБ ОЛАР ЭКАН, АДОЛАТЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШНИ ЎЗ ОЛДИГА ҚАТЪИЙ МАҚСАД ҚИЛИБ ҚЎЙДИ.**

### Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 29 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 1 декабрда маъқулланган

**1-модда.** 25 октябрь Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни этиб белгилансин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2006 йил 6 декабрь*
*№ЎРҚ - 65*

*Умумтаълим дастури — амалда*

## БОШ ҚОМУСИМИЗДА КАФОЛАТЛАБ ҚЎЙИЛГАН



***Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.***
***Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.***
***Мактаб ишлари давлат назоратидадир.***
*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддаси.*

Шу боис Президентимиз бошчилигида Мустақилликнинг илк йиллариданоқ таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан деб белгилаб қўйилди.


Албатта давлат тараққиётида юксак малакали, билимдон ва ақл-заковатли етук мутахассислар муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва уларнинг мантиқий давоми бўлмиш 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури бу борада ўзининг ижобий самарасини бермоқда.



Дастурда мактаб таълим тизимини тубдан яхшилаш, замон талабига мос ўқув-моддий базаси ва таълим стандартларини шакллантириш, ёш авлоднинг пишиқ-пухта таълим олишига шарт-шароитлар яратиш ва ниҳоят ўқитувчи-устозлар меҳнатини ҳам муносиб рағбатлантириш кўзда тутилган.

Ушбу ҳужжат қабул қилингандан буён юртимизда кўплаб умумтаълим масканлари барпо этилди, мавжуд мактабларда эса капитал ва жорий реконструкция ишлари олиб борилди. Жумладан, биргина Шайхонтоҳур туманининг ўзида 45-ва 13-мактаблар янгидан қад ростлади. Замонавий қиёфа касб этиб, янги бино, қўшимча синф хоналари, спорт заллари қурилиб, янги мебеллар билан жиҳозланган ушбу илм даргоҳларида ўқувчиларнинг етарли билимга эга бўлишлари учун барча шароитлар яратилган.

—Мактабимиз 1936 йилда қурилган,—дейди биз билан суҳбатда 13-мактаб директори Наргиза Зияева.— Бино албатта эскирган, шарт-шароитлар ҳам шунга яраша, стадион эса умуман йўқ эди. Узоқ йиллардан бери фаолият кўрсатиб келаётган мактабимизнинг замонавий қиёфа касб этиб, зарур жиҳозлар билан таъминланиши учун тендер натижаларига кўра 391 миллион 500 минг сўм маблағ ажратилди. Бутун ёз ойлари давомида асосий қурилиш ишларини «Тошнефтгазқурилиш» ОАЖнинг «Қурилиш изоляцияси» унитар корхонаси қурувчилари олиб боришди. Ёруғ ва шинамликдан ярқираб турган синфлар ва ўқув лаборатория хоналари стол-стуллар билан таъминланди. Мактаб атрофлари ўралиб янги дарвоза қурилди. Ҳудудимизда чоғроқ бўлса ҳам янги стадионнинг қурилиши спортсевар ёшлар учун чинакам совға бўлди. Энди мактабимизда аввалгидан икки баробар кўпроқ—870 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Албатта давлатимиз томонидан яратилаётган бундай имкониятлар биз ўқитувчиларга ҳам янада масъуллик юклайди. Бугунги кунда зиё масканимизда 50 нафардан ортиқ устозлар илғор технологиялар асосида ёшларга билим бериб келмоқдалар. Дарвоқе, биз яқин кунларда мактабимизнинг собиқ ўқувчиларини, бугунги кунда юртимиз ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган таниқли ёзувчилар, шифокору депутатларни таклиф этамиз, ўқувчиларимиз эса турли мавзуларда кўргазмалар ташкил қилишади, ўзбек Миллий академик драма театрида эса устоз ва шогирдлар учрашуви, байрам кечасини ташкил этмоқчимиз.



Ўйлаймизки буларнинг барчаси мамлакатимиз Бош Қомусида ўз ифодасини топган буюк ғоя—инсон манфаатларини таъминлашга, таълим тизимини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор самарасидир.

**Шоира МУҲАМЕДОВА суратларда: 13-мактабда дарс жараёнидан лавҳалар.**
**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

*(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз).*

## САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

**МАМЛАКАТИМИЗДА ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ БОШ КОТИБИ ХУРШИД АНВАР МЕҲМОН БЎЛИБ ТУРИБДИ**

Хуршид Анвар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компанияси, Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасида музокаралар ўтказди. Учрашувларда Ўзбекистоннинг мазкур халқаро ташкилот доирасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, савдо-сотиқ, энергетика, транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликни янада жадаллаштиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Меҳмон Тошкент ва Бухоро шаҳарларининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди.

**(ЎзА).**

## Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** Тошкент Бирлашган техника мактабида Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган тадбир «Конституция — ҳуқуқ, бурчларимиз кафолати» деб номланди.

● **ЎТГАН** куни Темирйўлчилар маданият саройида Миробод туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари ҳамда туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорликларида фаоллар иштирокида уюштирилган тадбир Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 14 йиллиги ҳамда «Нуроний» жамғармаси фаолият бошлаганлигининг 10 йиллигига бағишланди.

● **КЕЧА** Учтепа туманидаги 238-мактабда келажагимиз ворислари — ёшларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ўтказилган семинар туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан уюштирилди.

● **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги «Умид» спорт мажмуасида 25 ёшдан катта бўлган ногирон аёллар ўртасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан шашка бўйича спорт мусобақалари ўтказилди.

● **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишлаб Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйи ташаббуси билан уюштирилган тадбир ва концерт дастури «Инсонни азизлаган Қомус» деб номланди.

● **КЕЧА** Бектемир туман ҳокимлигида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан «Камолот»дан Янги йил» лойиҳасини ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди.

● **ЎТГАН** куни Чилонзор туманида жойлашган Тошкент радиотехника коллежида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбир «Қомусимиз — фахримиз» деб номланди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

## ЕВРОПАРЛАМЕНТ ДЕПУТАТЛАРИ:

## «ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИГА ЭРИШИШ ИШИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ МУҲИМ ҲИССАДИР»

**БРЮССЕЛДА ЖОЙЛАШГАН ЕВРОПА ПАРЛАМЕНТИДА БЎЛИБ ЎТГАН ДАВРА СУҲБАТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ. ТАДБИРДА БОШ ВАЗИР ЎРИНБОСАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ РАИСИ С.ИНОМОВА БОШЧИЛИГИДАГИ МАМЛАКАТИМИЗ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ИШТИРОК ЭТДИ.**

Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизларнинг ўрнини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар тўғрисидаги атрофлича маълумотлар иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди. Таъкидланганидек, аёллар мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим ўрин тутади. Уларнинг имконият ва ҳуқуқлардан тенг фойдаланиши борасида, шунингдек, оналик ва болаликни ҳимоя этишда аёлларга махсус давлат дастури доирасида алоҳида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатилмоқда.

Шунингдек, Европа депутатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакатни янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга қаратилган қонунчилик ташаббуси билан ҳам танишдилар. Тадбирда Ўзбекистон раҳбарининг қонунчилик ташаббуси долзарб ва ўз вақтида кўтарилгани қайд этилди.

Европарламентнинг словакиялик депутати А.Заборска юртимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириб бориш учун тегишли қонунчилик базаси яратилганига, ўзбек аёли ўз ҳақ-ҳуқуқларидан кундалик ҳаётида фаол фойдаланаётганига эътибор қаратди. У Ўзбекистонда аёлнинг ижтимоий ҳаётдаги иштирокини фаоллаштириш бўйича олиб борилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлар экан, аёлларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволи демократик ривожланиш ҳамда жамиятдаги ижтимоий ҳамжиҳатлик масалалари билан чамбарчас боғлиқ эканини таъкидлади.

— Аёллар бандлиги ва уларни иш билан таъминлаш, шунингдек, аёлларни жамият ҳаётининг турли соҳаларига жалб этиш масалаларидаги Ўзбекистон тажрибаси жуда катта эътиборга лойиқ бўлса, аёл ҳуқуқи масалаларига ёндашув, яъни уларнинг миллий қонунчиликда ўз аксини топгани ўзбек аёли ўз ҳақ-ҳуқуқи ва эркинлигини муносиб равишда рўёбга чиқариш имконини беради, — деди А.Заборска.

Европарламент аёл ҳуқуқлари ва ташқи алоқалар бўйича қўмиталарининг аъзоси Дорис Пакнинг фикрича, ўзбек аёлининг саводхонлиги даражаси ва уларнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаоллиги кўрсаткичларига кўпгина Европа мамлакатлари эриша олмаган.

Дорис Пак маҳалла институти ҳақида алоҳида қизиқишларини ифодалар экан, бу йўналишда ўзбек жамиятида тўпланган тажриба европаликларни илҳомлантириши мумкинлигини таъкидлади.

— Хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш масаласида Ўзбекистон тажрибаси гендер тенглиги борасида эришилган ишларга муҳим ҳисса қўшади. Ўзбекистон ижтимоий ҳаёти демократик бошқарув тизимига хос бўлган кўп асрлик анъаналар Европанинг қатор мамлакатлари учун модел бўлиб хизмат қилиши мумкинки, улар янги жамият ва давлат қурилиши даврида ана шундай қудратли воситага жуда муҳтождирлар, — деди у.

Европарламентнинг «Европа давлатлари учун Иттифоқ» гуруҳи сиёсий маслаҳатчиси Э.Кропайтенинг айтишича, давра суҳбати тадбир иштирокчиларига ўзбек аёлининг замонавийлиги ва анъанавийлиги бир-бирига қай даражада уйғун эканлиги ҳақида яхши тасаввур берди.

— Биз Ўзбекистонда аёлларнинг маданияти, кундалик ҳаёти ва фаолияти тўғрисида, уларнинг давлат ва жамоат институтларини мустаҳкамлашда, мамлакатда демократик ислоҳотларни рўёбга чиқаришдаги ўрни ва ҳиссаси хусусида атрофлича ҳамда қизиқарли ахборотларни олдик, — дея қайд этди Э.Кропайте.

**«Жаҳон» АА. Брюссель.**

# Конституциямиз яшамоқда ва амал қилмоқда




**МАЪЛУМКИ, КОНСТИТУЦИЯ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИДАН БИРИ БЎЛМИШ ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАБ БЕРАДИ. «ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ» АТАМАСИ ЮНОНЧА «ДЕМОКРАТИЯ» СЎЗИНИНГ АЙНАН ТАРЖИМАСИДИР. ИЛК БОР ЮНОН ДАВЛАТИДА ПАЙДО БЎЛГАН БУ СЎЗ БУГУН БУТУН ДУНЁГА ТАРҚАЛГАН ВА СИЁСИЙ ЛУҒАТДАН МУСТАҲКАМ ЎРИН ОЛГАН.**

Жаҳондаги демократик давлатларнинг Конституциялари «Бутун ҳокимият халққа тегишли» ёки «Бутун ҳокимият халқ томонидан амалга оширилади», деган тушунчани ўзида мужассамлаштирган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-бобида «халқ ҳокимиятчилиги» атамаси «ҳокимият манбаи» деган атама билан узвий боғланган.

Демократиянинг асл моҳияти ўз-ўзини бошқариш, ўз ҳаётини қобилиятига, тафаккурига ва ўз виждонига кўра қуришдир ва бунинг оқибати учун масъулиятни ҳам ўзига олишдир.

Зеро, ўз ҳаётини эркин бошқаришгина инсонни шахс даражасига кўтаради. Қолаверса, демократиянинг авторитар тузум каби шахсни бошқариш баҳонасида чеклаш, бўйсундириш ва эзиш механизми ҳам йўқ. Шахснинг ўзига кўпроқ ҳуқуқ бергани ва масъулият юклагани сари тузум демократлашаверади, давлатнинг юки ҳам енгиллашаверади.

Инсоният тажрибаси демократиянинг икки шаклини ишлаб чиққан: тўғридан-тўғри, бевосита демократия ҳамда вакиллик демократияси — органлар, аввалambor, вакиллик ва бошқа сайлаб қўйиладиган органлар орқали амалга ошириладиган демократия, яъни сайлов демократияси. Демократиянинг мазкур шаклларини бир-бирига қарши қўймаслик лозим, чунки бу иккала шакл ўзига хос аҳамиятга эга ва ўзаро узвий боғлиқдир.

Тўғридан-тўғри демократия — инсоннинг давлат ишларини ҳал қилишда яширин овоз бериш орқали ёки бошқа шаклда бевосита иштирок этиши. Вакиллик демократияси деб инсоннинг давлат ишларини ҳал этишда ўзи сайлаган вакиллари, яъни депутатлар орқали иштирок этишига айтилади.

Бевосита демократия (асосий қарорлар барча фуқаролар томонидан референдум, йиғин кабиларда қабул қилинади) ва билвосита демократия (қарорлар сайлаб қўйиладиган муассасалар — парламентлар ва бошқалар томонидан қабул қилинади) фарқланади. Демократия институтлари ҳуқуқий давлатда тўла ривожланади.

## ХАЛҚ ИЖОДКОРЛИГИГА АСОСЛАНАДИ

Дарҳақиқат, биз демократияни фуқароларнинг сайловларда тўғридан-тўғри ўзлари хоҳлаган номзодларига ёки партияларга овоз беришларида кўришимиз мумкин.

2005 йил 27 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида Юртбошимиз шундай деган эдилар: «Демократия ва сайлов тушунчалари доимо ёнма-ён юради, улар бирлашиб кетган. Сайлов—демократия дегани. Демократия бу сайлов дегани. Чунки ҳар қайси партия айнан сайлов орқали ўзининг тарафдорларини аниқлайди, ким унга овоз беряпти, ким унинг ғоя ва дастурларини қўллаб-қувватлаяпти — буларнинг барчасини амалда кўришга муваффақ бўлади».

Дарҳақиқат, биз демократияни фуқароларнинг сайловларда тўғридан-тўғри ўзлари хоҳлаган номзодларига ёки партияларга овоз беришларида кўришимиз мумкин.

Демократик тузумда халққа кўп нарса боғлиқ, зеро бу тузум халқнинг ижодкорлигига асосланади. Билъакс, демократия — фақат назария ёки сиёсий жараёнгина бўлиб қолмай, шу билан бирга халқнинг турмуш тарзи ва унинг бутун руҳияти, анъаналари, маданияти, психологиясининг хусусиятлари ҳамдир. Демократия жамиятнинг қадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоғи керак.

Эрамиздан олдинги V асрда яшаган Перикл ҳам демократияни шундай тавсифлаганди: «Бу тузум демократия деб аталади. Чунки озчиликнинг эмас, кўпчиликнинг манфаатларига асосланади. Хусусий манфаатлар учун эса қонунларимиз ҳаммага бир хил ҳуқуқ беради».

Шунингдек, эрамиздан олдин яшаган юнон файласуфи Афлотун (Платон) ўзининг илк асарларидан бўлмиш «Мусоҳабалар»идаёқ «яхшилар ҳокимияти» дея демократияга таъриф берганди: «Бировлар уни демократия дейишади, бошқалар яна нимадир деб аташар — кимнинг кўнгли нимани тусаса, шундай, аслида бу — яхшиларнинг халқнинг ваколати билан бошқарувидир».

Демократия ўзининг соф кўринишида фуқароларга ўзлари ва мамлакатлари тақдирига доир давлатона қарорлар чиқариш жараёнида тўғридан-тўғри, масалан, референдумлар орқали иштирок этиш имконини беради. Бу бевосита демократия демакдир. Бундай имконият Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддаси (давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалаларини референдум орқали ҳал этилиши белгиланган) ва 32-моддаси (фуқароларни давлат ва жамият ҳаётини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этишлари белгиланган)да ҳам ўз аксини топган.

Фуқаролар ўз номларидан фаолият юритувчи ва қарор қабул қилувчи вакилларини сайлайдилар. Буни вакиллик демократияси ёки бошқача айтганда, билвосита демократия деб атайдилар.

Вакиллик демократиясининг асосида доимий ўтказиладиган, ҳаққоний, ҳалол ва муқобил сайловлар ётади. Бундай сайловларнинг изчил ўтказилиши ҳокимиятни халққа боғлаб туради.

Демократия шароитида ҳукумат ҳокимият бошқарувини халқ розилиги билан олади ва мабодо, халқ ҳукуматга ишончини йўқотса, уни тинч, демократик йўл билан алмаштира олади. Зеро, инглиз файласуфи Жон Локк «Ҳокимият ҳақида» асарида ёзганидек, «ҳар бир инсон ўз ҳаётининг ҳакамидир» ва у ўзига беклигидан воз кечиб, ўзининг устидан ҳокимият сайлар экан, унинг фаолиятидан ҳисобдор ва хабардор бўлишга ҳақлидир.

Демократия шундай тузумки, унда инсонни имкон қадар кам бошқарадилар, имкон қадар кам чегаралайдилар, имкон қадар кам безовта қиладилар. Аммо бу инсон бошбошдоқлик қилаверади, чегарадан чиқаверади дегани эмас, чунки бошқа инсонлар ҳам унинг каби озод инсонлар, эркинлик истайдилар, халоват хоҳлайдилар. Бир инсоннинг халовати бошқа инсонга беҳаловатлик келтирса, бу халоват, бу эрк чегараланади, фақат бошқанинг эркига хавф солмайдиган даражадагина чегараланади.

**Даврон АҲМЕДОВ,**
**Тошкент Давлат юридик институтининг биринчи проректори, доцент**

## ИСТИҚЛОЛИМИЗ ВА ИҚБОЛИМИЗНИНГ ҲАЁТБАХШ ҚОНУНИ

**ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭРК-ИФОДАСИ, ҚАДРИЯТЛАРИ ВА ЗАКОВАТИ ИФОДАЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИГА ЎН ТЎРТ ЙИЛ ТЎЛДИ. АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИНИНГ ЯРАТИЛИШИГА АСОС БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛИБ КЕЛМОҚДА.**

Мутахассисларнинг хабар беришича, дунёда фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини мужассам этган саккиз юздан ортиқроқ Конституциялар қабул қилинган экан. Ана шу Конституциялар ичида 1992 йил 8 декабрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жаҳондаги йирик сиёсатшунослар томонидан пухта ишланган, мукаммал ҳужжат сифатида эътироф этилиб, тан олинган.

Конституция ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори ҳисобланиб, унинг ўзига хос «паспорти» деб аталади. Чунки, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган бош Қонун — Қомусномадир.

Мамлакатимиз Конституцияси ҳақида гап кетганда шу соҳадаги сиёсатдонларимиз уни ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчилар қаторида қабул қилинганини алоҳида таъкидлашади.

1990 йилнинг 20 июнида мустақиллик Декларациясининг қабул қилиниши жараёнида Республикамиз Президенти томонидан Асосий Қомусимизни яратиш ғоясининг ўртага қўйилиши ва шу йили Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида давлатимиз раҳбари раислигида Конституцияни яратиш комиссияси тузилишининг ўзи мустақилликка интилиш, Истиқлолнинг эрта бўртган куртаклари эди ва ниҳоят 1992 йил 8 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди ва шу кун Умумхалқ байрами этиб белгиланди.

Каттаю кичик, бутун халқимиз Конституция кунини жуда шодон байрам қиламиз. Хўш нега? Чунки шу куни ўзбек диёри, ўзбек давлати қудратли қўрғон билан мустаҳкамланди. У қонун билан, Конституция билан мустаҳкамланди.

Конституциямиз Қонун устуворлигини белгилаб берди. Қонун устуворлиги тушунчаси эса адолат тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Президентимиз белгилаб берганларидек, қабул қилинаётган қонунлар асосини адолат ташкил қилмоғи лозим. Қонун устуворлигининг моҳияти Конституциянинг III боби 15 ва 16-моддаларида ифодалаб берилган. Жумладан, Конституциянинг қайд этиб ўтилган 16-моддасида «Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас.

Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас» деб белгилаб қўйилган.

Асосий Қомусимизнинг энг муҳим хусусияти шундаки, унда инсонни улуғлаш, унинг эркин равнақ топиши учун реал шарт-шароитлар яратиш ифодасини топган.

Конституциямиз ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилиб, дунё миқёсида ҳар қандай давлат Конституцияси билан бемалол беллашмоқда.

Таъкидлаш керакки, Конституциямизни амалга ошириш, ҳаётга чуқур татбиқ этиш, турмушимизнинг турли жабҳаларида ундан фойдалана олишимиз учун унинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганишимиз лозим.

Чунки бугун биз барчамиз Конституция моддаларидан қувват оламиз, унга мувофиқ яшаймиз, унинг талабларига муносиб бўлишга интиламиз. Демак, халқ тафаккури ва ижодининг маҳсули бўлган Конституциямиз ишлаяпти, амал қилмоқда. Бу ҳолат эса халқимизнинг ҳуқуқий билимлари ўсиб бораётганлиги, унинг ҳуқуқий саводхонлиги юқори поғонага кўтарилаётганлигининг далилидир.

Биз Конституциямизни мамлакатимиз мустақиллигининг рамзи сифатида ҳурмат қилишни ўрганишимиз, ўсиб келаётган ёш авлодда Адолат Комусига, бўлган чуқур эҳтиромни сингдиришимиз, унинг мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилишда фаол иштирок этмоғимиз лозим. Бу жиҳатдан Президент Ислом Каримовнинг 2001 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши дастуруламалдир. Фармойишда таъкидланганидек, барча таълим турлари учун болалар ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Конституцияни ўрганиш ва ўргатиш бўйича чоп этилган дарсликлар ва махсус ўқув адабиётларидан унумли фойдаланишимиз зарур.

Бу борада Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежида ибратли ишлар йўлга қўйилган. Ўқувчилар ўртасида Конституциявий ҳуқуқларни билиш учун муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Коллежда «Сиз ҳуқуқингизни биласизми?» деб номланган тўгарак фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўқувчиларнинг ҳуқуқшунос олимлар билан учрашувлари мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Ўқувчилар ўртасида «Конституция — Адолат Қомуси», «Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати», «Мустақиллигимизнинг қонуний рамзи» мавзуларида учрашувлар, баҳслар, савол-жавоб кечалари ўтказилмоқда. Ўқув гуруҳларида «Мен Конституцияни ўрганаман» мавзусида иншолар танлови бўлиб ўтади. Бундан ташқари коллеж маъмурияти ҳар йили Конституция куни арафасида ўқув юрти ўқитувчи-ходимлари ҳамда ўқувчилар учун пойтахт театрларида таниқли ҳуқуқшунос, прокуратура, Адлия вазирлиги ходимлари ва эл ардоғидаги санъат усталари иштирокида байрам тантанасини нишонлаб келмоқда.

Шундай қилиб, мана ўн тўрт йилдирки, адолат ва эзгулик тимсоли, буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати бўлган Конституциямиз халқимизнинг хоҳиш-иродаси туфайли яшамоқда, амал қилмоқда.

**Шавкат ЁҚУБОВ,**
**Тошкент Автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи «Маънавият ва маърифат» бўлимининг масъул ходими**

*Танловлар*

## «СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?»

**КОНСТИТУЦИЯНИНГ ҲАР БИР БАНДИНИ ЎРГАНИШ БОРАСИДА ЮРТИМИЗДА КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, КОЛЛЕЖ ВА ЛИЦЕЙЛАР ВА МАҲАЛЛАЛАРДА ҲУҚУҚШУНОСЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР, ДАВРА СУҲБАТЛАРИ ВА ТУРЛИ ТАНЛОВЛАР ЎТКАЗИЛИБ КЕЛИНМОҚДА. ХУСУСАН КУНИ КЕЧА 1-ТОШКЕНТ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИДА БЎЛИБ ЎТГАН «СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?» ДЕБ НОМЛАНГАН КЎРИК-ТАНЛОВ ҲАМ АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 14 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ.**

Икки босқичда ўтказилган танловда аввало талабалар иншо ёзишган бўлса, иккинчи босқичда эса савол-жавоблар асосида билимларини синовдан ўтказишди.

— Ушбу танловни ўтказишдан мақсад ўқувчиларимизнинг Конституциямизнинг ўрни ва аҳамиятини, ҳар бир фуқаронинг қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини тушуниб етишларига кўмаклашишдир, — дейди танлов ҳақида коллежнинг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Ўринбой Бобобеков. — Зеро, демократик анъаналарнинг ривожланиш жараёни мамлакат иқтисодий салоҳияти, фуқаролар савиясининг юқорилиги ва уларнинг сиёсий фаоллиги билан чамбарчас боғлиқдир. Албатта, буюк келажак сари интилаётган халқимизнинг орзу-истаги ҳам демократик давлатни шакллантириш ва адолатли фуқаролик жамиятини бунёд қилишдан иборатдир. Шундай экан бу йўлда кафолат бўлган Асосий Қонунимизни билиш, ўрганиш ва амал қилиш ҳар бир инсоннинг бурчи ва вазифасидир.

Коллеж миқёсида бўлиб ўтган ушбу танловда ҳар томонлама билимли ва зукко бўлган талабалар ғолибликни қўлга киритиб эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Умида МАҲМУДОВА**

## ПУХТА РЕЖА АСОСИДА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР ТАЪЛИМ МАСКАНИМИЗДА АВВАЛДАН ТУЗИЛГАН РЕЖА АСОСИДА ЎТКАЗИЛМОҚДА.**

Биринчи босқич ўқувчилари давлатимиз Қомусига атаб буклетлар, рефератлар ва альбомлар тайёрладилар. Деворий газеталар, расм ва плакатларнинг кўрик-танлови, иқтидорли талабалар ижодларининг маҳсули—расм ва чизмалар, ўзлари тайёрлаган либослар кўргазмаси ташкил этилди. Ҳаваскор эстрада хонандалари ижросидаги байрам концерти барчага манзур бўлди.

Байрам арафасида барча гуруҳларда ҳашар бўлиб ўтди.

«Қонун—ҳаётимиз мезони» мавзусида илмий-амалий анжуман ҳамда қувноқлар ва зукколар мусобақаси эса ўқувчиларнинг Конституция моддаларини қанчалик билишлари, уларнинг топқирликларини кўрсатувчи ўзига хос ижодий тадбирга айланди.

**Офтобхон ТОЖИБОЕВА,**
**Тошкент политехника касб-ҳунар коллежи директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари**





## БОШ ҚОМУСИМИЗ БИЛИМДОНИ

**ЖАМИЯТИМИЗДА ҲАР ҚАЙСИ ОИЛА ВА ФУҚАРО ҲАЁТИДА ҚАНДАЙ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР СОДИР БЎЛАЁТГАН БЎЛСА, БУЛАРНИНГ БАРЧАСИНИ КОНСТИТУЦИЯМИЗДА БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБ ВА ҚОИДАЛАРНИНГ ҲАЁТИМИЗДАГИ АМАЛИЙ ИФОДАСИ ДЕБ ҚАБУЛ ҚИЛАМИЗ.**

Мана 14 йилдирки, биз давлатимиз ва жамиятимизнинг нафақат бугунги қиёфаси, ҳаёт тарзи, балки келажагини ҳам белгилаб, эзгу мақсадларимизнинг ҳуқуқий замин ва пойдеворини мустаҳкамлаб берувчи бош қомусимиз асосида яшаб келмоқдамиз.

Конституциямизнинг 14 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонасида «Конституция билимдони» деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтди. Танловни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим Ой жамияти Марказий кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонаси ҳамкорликда ўтказдилар. Мазкур кўрик-танловда шаҳримиздаги 64-мактабнинг 9-синф ўқувчилари иштирок этдилар.

—Ушбу кўрик-танлов,— дейди Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонаси директори Фотима Бухарова, — ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимини, фикрлаш савиясини ошириш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш мақсадида ўтказилмоқда. Конституция, бу— ҳуқуқий ҳужжат, унинг мазмун ва моҳияти, вазифаси, ҳуқуқий нормаларини чуқур билгандагина у ҳар биримизга наф келтиради. Ёшларимизнинг фикрлаш қобилиятини ўстириш, ўқувчиларнинг конституцион ҳуқуқ ва бурчларини чуқур ўргатиш, уларда Конституцияга нисбатан меҳр ва фахрланиш туйғуларини мужассамлаштириш ҳар биримизнинг асосий вазифаларимиз сирасига киради.

Танловда ўқувчилар «Ҳуқуқшунослар» ва «Демократлар» деб номланган гуруҳларга бўлиниб ўзаро беллашдилар. Тезкор мусобақалар, саҳна кўринишига берилган шарҳлар, Конституцияга оид саволлар билан танлов иштирокчиларининг ҳуқуқий билимлари баҳоланди. Беш бўлимдан иборат шартларда фаоллик кўрсатган «Ҳуқуқшунослар» гуруҳи ғолиб деб топилди.

Миробод тумани прокурорининг катта ёрдамчиси Абдусамат Ағзамов, 64-мактабнинг ҳуқуқшунослик ва тарих фанлари ўқитувчиси Вазира Қурбонова, мазкур кутубхонанинг маънавий-маърифий ишлари бўйича раҳбар ўринбосари Динара Муҳаммадаминова танловга ҳакамлик қилдилар ва ғолиб ўқувчиларни Фахрий ёрлиқ ва совғалар билан тақдирладилар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**
**СУРАТЛАРДА: танловдан лавҳалар**

## КОНСТИТУЦИЯ ВА ЁШЛАР

**ПОЙТАХТИМИЗДА "МУСТАҚИЛЛИК ВА КОНСТИТУЦИЯ ҲИМОЯСИ – ҲАР БИРИМИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ" МАВЗУИДА АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ. РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ, МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ КАБИ БИР ҚАТОР ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН УШБУ ТАДБИРДА ҲУҚУҚШУНОС ОЛИМЛАР, ЎҚИТУВЧИЛАР, ТАЛАБА-ЁШЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.**

Тадбирда Республика маънавият ва тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов, Тошкент Давлат юридик институтининг биринчи проректори Д. Аҳмедов ва бошқалар мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳияти Бош қомусимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва имкониятлар, асосий тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш билан боғлиқ эканини таъкидлади.

Асосий Қонунимизни чуқур ўрганишимиз, унинг маъно-моҳиятини тўғри англаб, ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2001 йил 4 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши муҳим омил бўлмоқда. Ушбу ҳужжатга асосан Конституциямиз бугунги кунда мактабгача таълим муассасалари, мактаб, коллеж, лицей ва олий таълим муассасаларида ёш авлодга изчил ўргатилиши йўлга қўйилди. Ўқувчи ва талабаларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашда "Сиз ҳуқуқни биласизми?", "Сиз Конституцияни биласизми?", "Конституция – бахтимиз пойдевори" сингари кўрик-танловларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлмоқда.

Тадбирда бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришга оид масалалар юзасидан батафсил фикр алмашилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## САВОЛ-ЖАВОБЛАРГА БОЙ ЎТДИ

**ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДАГИ ОЛИМ ХЎЖАЕВ МАҲАЛЛАСИДА ТЕЗ-ТЕЗ ТУРЛИ МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИБ ТУРИЛАДИ.**

Конституциямизнинг 14 йиллигига бағишланган тадбир ҳам маҳаллада сермазмун ва ўзига хос тарзда ўтди. Унда фаоллар билан бир қаторда кўплаб ёшларнинг иштирок этгани айниқса эътиборга лойиқдир.

Қизиқарли савол-жавоблар билан ўтган, Бош Қомусимиз моддаларининг ҳаётимиздаги акси очиб берилган тадбир давомида мавзу юзасидан Ўзбекистон Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо, ушбу марказнинг бўлим бошлиғи Акром Акмалов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар. Жумладан ёшлар маънавиятини оширишда Конституциямизнинг тутган ўрни хусусида ҳам атрофлича сўз борди. Йиғилганлар Асосий Қонунимизни қанчалик чуқур ўргансак ҳуқуқий маданиятимизнинг шунчалик ошиши, бу эса ҳуқуқий-демократик давлат асосларини қурғаётган мамлакатимизда жуда асқотишига яна бир карра ишонч ҳосил қилдилар.

**(Ўз мухбиримиз)**

## КЎРГАЗМА ҲАМ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИДА КОНСТИТУЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУННИНГ 14 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ "МУСТАҚИЛЛИК ВА АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ" МАВЗУИДА АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ.**

Тадбир мулоқот шаклида ўтказилиб, унда Тошкент Давлат юридик институтининг ўқитувчилари Конституция ва унинг моҳияти, Асосий қонунимиз асосида яратилган қонунлар, ислоҳотлар жараёни ҳақида китобхонларга сўзлаб бердилар.

Анжуман доирасида "Конституция — буюк келажак кафолати" деб номланган расмли китоб кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

*«Туркистон-пресс»*

# ИШГА МАРҲАМАТ!

*Бандлик*

## МАВЖУД ИМКОНИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИНИНГ МЕҲНАТ, АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ ТАСАРРУФИДАГИ БАРЧА ТУМАН МЕҲНАТ БЎЛИМИ ЖАМОАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ДОИМИЙ БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДАН ИБОРАТ. БУ БОРАДА ЯККАСАРОЙ ТУМАН МЕҲНАТ БЎЛИМИДА ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАНИ ХУСУСИДА УНИНГ РАҲБАРИ ЗУЛҚАЙНАР ХУДОЙҚУЛОВ ҚУЙИДАГИЛАРНИ СЎЗЛАБ БЕРДИ:**

—Бизнинг туманимизда 18 та маҳалла мавжуд бўлиб, жамоамиз аҳли барча маҳаллалар оқсоқоллари, фаоллари билан имконият даражасида ҳамкор, ҳамжиҳатликда иш олиб боради. Боиси, меҳнат бўлимимиз фаолият доираси кенг қамровли бўлиб, асосий вазифамиз аҳолига бандлик масаласида кўмак бериш, малакали маслаҳат, тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишлари билан уларнинг корига ярашдир.

Эътиборли томони, ҳозирда барча соҳаларда ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Юртимиз иқтисодиётини ривожлантириш асосида эса халқ фаровонлиги таъминланади. Яъни, янги очилган кичик, қўшма корхоналар саъй-ҳаракатлари билан фуқароларимизнинг бандлик масаласи ечимини топиб боради. Бунинг боиси эса давлатимиз томонидан кичик корхоналар, хорижий сармоядорлар ҳамда хусусий тадбиркорлик учун яратилган етарли шарт-шароитлар, ҳуқуқий ҳимоядир.

Туманимизда истиқомат қилувчи иш билан банд бўлмаган аҳолини рўйхатга олиш, уларни ўзлари хоҳлаган мутахассисликлар бўйича ишга жойлаштириш, касбга ўқитиш, қайта ўқитиш, шу билан бирга ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳаллаларда 2 ва 18 ёшгача нафақа олувчиларга ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнат бозорида тенгма-тенг рақобатга кириша олмайдиган қисми—ёшлар, кўп болали ва ногирон фарзанди бўлган оналар, ногиронлар, мактаб, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларининг битирувчилари, жазони ўташ жойларидан бўшаб келган фуқароларга тегишли ёрдам кўрсатиш ҳам меҳнат бўлимимиз жамоасининг режа асосида амалга оширадиган ишлари сирасига киради. Фаолиятимиз қатъий равишда Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан «Аҳолини иш билан таъминлаш дастури» ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан берилган йўналишлар бўйича ташкиллаштирилган.

Йил бошидан буён меҳнат бўлимимиз ташаббуси билан тумандаги кўплаб йирик саноат, транспорт, соғлиқни сақлаш, ободонлаштириш, корхона ва ташкилотлар, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг малакали мутахассислари иштирокида 2 та «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркалари уюшқоқлик билан ўтказилди. Улардан кўзланган мақсад эса меҳнат бўлимига мавжуд иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни вақтида тақдим этиш асносида ишга жойлаштириш учун йўлланган фуқароларни ўз мутахассислиги ва малакаси, асосийси, ўз хоҳиш-истагига кўра иш жойларига қабул қилиш, квотали иш жойларини ташкил этиш каби кўплаб долзарб масалаларни қамраб олиш.

Туманимизда жорий йил бошидан турли йўналишларда фаолият юритаётган корхона, ташкилот, муассасаларда 3978 та янги иш жойлари ташкил қилинди. Масалан, «Toshkaya textil», «Chitenkaya», «Satex-Tashkent» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхоналари ва «Техноткани» масъулияти чекланган жамиятига меҳнат бўлими орқали 800 нафардан ортиқ фуқаролар йўлланмалар билан ишга жойлаштирилди. Бизга жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида 982 нафар фуқаролар (уларнинг 526 нафари аёллардан иборат) иш сўраб мурожаат этганлар. Айни кунларда маҳаллалар нозирлари Яккасарой туман Мудофаа бўлими билан ҳамкорликда муддатли ҳарбий хизматдан қайтган йигитларимизни рўйхатга олиб, уларнинг ҳар бири билан алоҳида суҳбат ўтказиб, мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида маълумот ҳамда малакали маслаҳатлар бермоқда.

Бундан ташқари, жамоамиз туман аҳолисининг ижтимоий ҳимояси борасида қуйидаги ишларни амалга оширди. Маҳаллалардаги 2 ёшгача фарзанди бўлган 243 та оилалардан тушган аризаларни кўриб чиқиб, улардан 218 тасига нафақа тайинлади, 9 ой мобайнида ушбу оилаларга 47 миллион 175,5 минг сўм тўланди. 18 ёшгача фарзандлари бўлган оилаларнинг 660 та аризаларнинг 564 таси қониқтирилди. Яъни, уларга 45 миллион 787,8 минг сўм нафақа пули берилди. Кам таъминланган, муҳтож оилалардан тушган 882 та аризадан 752 та оилаларга 30 миллион 750,6 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Туманимиздаги Юнус Ражабий, Қушбеги, «Яккасарой-1», «Конституция» маҳаллаларининг оқсоқоллари, фаоллари нозирларимизга яқиндан кўмак бериб, ҳамкорлик қилмоқдалар, жамоанинг самарали иш юритишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Мухтасар қилиб айтганда, давлатимиз томонидан яратилган кенг имконият, етарли шарт-шароитлардан фойдаланиб, туманимиз аҳолисининг бандлик масаласи ечимини топишга, уларга таянч бўлишга, йил охиригача белгиланган режаларимизни адо этишга астойдил бел боғлаганмиз.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

*Ёшлар—келажагимиз*

## ҲУНАРЛИНИНГ ҚЎЛИ ГУЛ

**БУГУНГИ КУНДА КЕЛАЖАГИМИЗ УМИДЛАРИ — ЁШЛАРИМИЗНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ, БИЛИМ ОЛИШЛАРИ, КАСБ-ҲУНАР ЭГАЛЛАШЛАРИ, СОҒЛОМ, ДОНО, ЗУККО ИНСОНЛАР БЎЛИБ ЕТИШИШЛАРИ МАСАЛАСИ ДАВЛАТИМИЗ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЖИҲАТИГА АЙЛАНГАН.**

Учтепа туманидаги Миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида ҳам қўли гул заргар, малакали тикувчи-модельер, моҳир дизайнчи, ота-боболаримиздан мерос қолган гўзал ҳунар — ёғоч ўймакорлиги ҳамда замонавий — ҳисобчи мутахассисликларига ёшлар ўқитилмоқда. Ўқувчиларга етарли билим бериш, ҳунар ўргатиш борасида коллеж раҳбарияти томонидан самарали саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бу борада устозлар—ёшларга таълим бераётган малакали ўқитувчилар ҳамда ишлаб чиқариш усталарининг меҳнати алоҳида таҳсинга лойиқ.

Замонавий жиҳозланган ўқув хоналари, катта кутубхона, қироатхона, компьютер, лингафон хоналари, «Маънавият ва маърифат» хонаси, замонавий юз ўринли ошхона коллежда таҳсил олаётган 900 нафарга яқин ўқувчилар ихтиёрида. Таълим масканида ўқувчиларнинг билим олишлари, танлаган касб, мутахассисликларини мукаммал эгаллашлари йўлида ўқитувчилар жамоаси аниқ режалар асосида иш юритмоқда. Айниқса, касбларига меҳр — муҳаббат уйғотиш мақсадида ёшларнинг маънавиятларини бойитиш, қалбларида ватанпарварлик туйғуларини юксалтириш, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, миллий қадриятларимизни эъзозлашга ўргатиш учун қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Масалан, мазкур коллежнинг иқтидорли ўқувчилари нафақат туман, балки шаҳар ҳамда республика миқёсида ўтказиладиган «Энг яхши уста», «Қўли гул уста», «Иқтидорли ёшлар», «Ёшлар овози», «Осиё заргарлари», «Ташаббус» кўрик-танловлари, кўргазмаларда ҳам муваффақиятли қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Бири-биридан чиройли, бежирим, нафосатга бой заргарлик, ёғоч ўймакорлиги, тикув маҳсулотлари танлов қатнашчиларида ҳам, ҳайъат аъзоларида ҳам бирдай яхши таассурот қолдиради. Ақл-фаросатли, оқила, уддабурон, қўли гул тикувчи қизлар ҳамда изланувчан, янгиликка ўч, анъанавийлик билан замонавийликни ўзаро уйғунлаштириб, гўзаллик яратаётган дизайнчиларнинг ҳамжиҳатликдаги интилишларини алоҳида таъкидлаш ўринли.


Ушбу коллежда хайрли анъаналардан бири «Очиқ эшиклар куни» тадбирининг ўтказилишидир. Ундан кўзланган мақсад эса қизиқувчан ёшларни таълим масканидаги касб-ҳунарлар билан яқиндан таништириш, малакали маслаҳатлар бериш. Шунингдек, тадбирда барча босқич ўқувчиларининг ижодий ишлари намойишини ташкил этиб, уларни руҳлантиришдан иборат. Ушбу тадбирларга туман, пойтахтдаги ўрта мактабларнинг 8 — 9-синф ўқувчилари, ўқитувчилари ва ота-оналар таклиф этилади. Уларга коллеждаги таълим жараёни ва ишлаб чиқариш устахоналаридаги имкониятлар ҳар томонлама кўрсатилади.

Миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий қадриятларимиз саналган келажагимиз умид чечакларини гўзал хулқли, одоб-ахлоқли, билимли, бирор касб-ҳунар эгаси, етук, малакали мутахассис қилиб тарбиялаш бугунги кунда ҳам ўз қадрини йўқотмаган. Айниқса, гўзал, лобар қизларимиз, бўлғуси оила бошлиғи бўлишдек масъулиятли давр остонасида турган йигитларимизнинг билимли, зеҳн-идрокли, маданиятли ва оилаларида уқувли, режали ва уддабурон бўлишлари давр талабидир.

**Муқаддас УМАРБЕКОВА**

**СУРАТЛАРДА: Учтепа туманидаги Миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш устахоналаридаги амалий машғулотлардан лавҳалар.**

**Наталья Семёнова олган суратлар**







*Маҳалланг—ота-онанг*

## ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

**ПОЙТАХТИМИЗ МАҲАЛЛАЛАРИДА МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ШАРОФАТИ БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИБРАТЛИ, ХАЙРЛИ ИШЛАР ОИЛАЛАР ТИНЧ-ТОТУВЛИГИ, ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЎЗ АКСИНИ ТОПМОҚДА. ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДА ЖОЙЛАШГАН «ШАРҚ ТОНГИ» МАҲАЛЛАСИДА ҲАМ МИЛЛАТИМИЗГА ХОС АЗАЛИЙ УДУМЛАР, УРФ-ОДАТЛАР ВА АНЪАНАЛАР БАРДАВОМЛИГИ КЎЗГА ЯҚҚОЛ ТАШЛАНАДИ. ХУСУСАН, УШБУ МАҲАЛЛАДАГИ ИШЧАН, ЭЛ КОРИГА ЯРАЙМАН, ДЕГАН ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР МАҲАЛЛАДОШЛАРИ, АЙНИҚСА ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЭЗГУ МАҚСАД ҚИЛГАН ҲОЛДА САМАРАЛИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАЁТГАНИ ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ.**

— Жорий йил 17 апрелдаги Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, — дейди «Шарқ тонги» маҳалласи оқсоқоли Обиджон Аҳмедов,—юртимизда хизмат кўрсатиш сифати ва савиясининг тобора юксалиши ҳамда кўламининг кенгайишида муҳим омил бўлмоқда, шунингдек, бу борада тадбиркорларимизга қатор қулайликлар яратди. Масалан, хусусий тадбиркорлар Раҳматжон Аюпов, Муаттар Раҳимовалар изланишлари, янгиликка ўчликлари ҳамда билимлари боис маҳалладошларига ҳақиқий мадад, таянч бўлишмоқда.

Маҳаллада фаолият юритаётган «Волга усталари» хусусий фирмаси раҳбари Раҳматжон Аюпов 5 нафар йигитларни иш билан таъминлади. Мазкур жамоа аҳли ҳозирда юртимизда ишлаб чиқарилган «LASETTI», «NEXIA», «TIKO», «MATIZ», «DAMAS» русумидаги ва хориждан келтирилган автомобилларга сервис хизмати кўрсатиш билан шуғулланишади. Уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Қувонарлиси, фирма ходимлари нафақат маҳалладошлари, балки кўплаб бошқа фуқароларга ҳам малакали сервис хизмати кўрсатишмоқда.

Маҳалладаги сартарошхона, новвойхона, тикувчилик цехи, компьютер хоналари ҳам аҳолига намунали хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Ушбу маҳаллада икки мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Таъкидлаш жоизки, биринчи навбатда маҳалладаги ёшларга, кам таъминланган, муҳтож оилаларга алоҳида эътибор қаратилган. Чилонзор тумани меҳнат бўлими ҳамда маҳалла фаолларининг саъй-ҳаракатлари, жонбозликлари туфайли жорий йил бошидан буён ўқишни битирувчилар, уй бекалари Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофоза қилиш бош бошқармасига қарашли Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш ўқув марказида йўлланмалар билан компьютер саводхонлиги, автомобилларни таъмирлаш ҳамда уларга сервис хизмати кўрсатиш, тикувчилик, бисер иши каби касбларга ўқитилди.

Шунингдек, маҳалла қўмитаси биносида бепул фаолият кўрсатувчи тикувчилик курсида қиз-жувонлар қизиқишларига кўра сабоқ олмоқдалар. Уларга тажрибали тикувчи Муаттар опа Раҳимова устозлик қилиб, касбининг сир-синоатларини эринмай ўргатмоқда. Бу ерда оилавий бизнеснинг ривожланиши учун ҳам шарт-шароитлар мавжуд. Боиси, оналарнинг уй меҳнати билан шуғулланиши ёш фарзандларга кўрсатиладиган эътибор, ғамхўрлик учун кўпроқ вақт ажратилиши билан алоҳида аҳамиятга эга.

Бугуннинг долзарб масаласига айланган, давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилган—доимий банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш ишига маҳаллалар ҳам муносиб ҳисса қўшаётгани таҳсинга лойиқ, албатта.

**Муяссар АБДУРАСУЛОВА**

*Сўранг, жавоб берамиз*

## МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ СУДЛАРДА КЎРИЛАДИМИ?

**КИЧИК КОРХОНАДА ИККИ ЙИЛДАН БУЁН ИШЛАЙМАН. МЕНИ ҚАНДАЙ ҲОЛЛАРДА МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ СУДЛАРДА КЎРИЛИШИ МУМКИНЛИГИ ҚИЗИҚТИРАДИ.**

**Баҳром Тожиев, ишчи, Бектемир тумани.**

Меҳнат низолари Меҳнат Кодексининг 269-моддасига мувофиқ қуйидаги ҳолларда бевосита туман (шаҳар) судларида кўриб чиқилади:

1) агар ходимнинг иш жойида меҳнат низолари комиссияси тузилмаган бўлса;

2) улар меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъи назар ишга тиклаш тўғрисида, меҳнат шартномасини бекор қилиш вақти ва асослари таърифини ўзгартириш тўғрисида, мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ҳақ тўлашга доир бўлса;

3) улар ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарларнинг тўланиши ҳақида бўлса;

4) улар меҳнат вазифаларини бажараётганда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилгани оқибатида зарарни (маънавий зарарни ҳам) ёки унинг мол-мулкига етказилган зарарни иш берувчи томонидан тўланиши ҳақида бўлса;

5) улар иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан олдиндан келиб, ҳал этилган масалалар юзасидан келиб чиққан бўлса.

Жумладан, мансабдор шахслар томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш тўғрисидаги меҳнат низолари, агар мансабдор шахслар етказган зарар хўжалик низосини кўриб чиқиш пайтида аниқланган бўлса, хўжалик суди томонидан ҳам кўриб чиқилади.

## КАСБИЙ КАСАЛЛИКЛАР ҚАНДАЙ АЖРАТИЛАДИ?

**МЕНИ КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ РЎЙХАТИГА ҚАНДАЙ ЗАРАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН КАСАЛЛИКЛАР КИРИШИ ҚИЗИҚТИРАДИ. ШУ ҲАҚДА БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ БЕРСАНГИЗ.**

**Доно Файзиева, хизматчи.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги қарорининг иловасида «Касб касалликлари рўйхати» кўрсатилган. Унга заҳарли кимёвий моддалар, саноат аэрозоллари ва чанглари, физик таъсирлар, алоҳида аъзолар ва тизимларнинг жисмоний зўриқиши ва толиқиши, биологик омиллар, кимёвий, синтетик моддалар, дори-дармонлар, вакциналар, биологик табиий моддалар, ўсимлик ва ҳайвонот чанглари, иш жойида канцероген моддалар таъсирида пайдо бўладиган касалликлар киради.

Касбий касалликка нафақат рўйхатда кўрсатилганлари, балки уларнинг қолдиқлари ва асоратлари ҳам киради. Уёки бу касалликнинг касбга боғлиқ эканлигини тиббий меҳнат экспертиза комиссиялари касалликни келтириб чиқарувчи барча ҳолатларни ўрганиш асосида ҳал қиладилар.

# ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ

*(Давоми. Боши ўтган сонларда).*

## МЕНИНГ ДАРГОҲИМГА ИЛТИЖО ҚИЛИБ, ПАНОҲ ИСТАБ КЕЛГАН ТУРКУ ТОЖИК, АРАБУ АЖАМ ТОИФАЛАРИДАН БЎЛГАНЛАР ҲАҚИДАГИ ТУЗУК



Биринчи навбатда, мазкур тоифа ва табақалардан бўлган саййидлар ва уламони иззат-ҳурмат қилишни, ҳар қандай истаклари бўлса дарҳол муҳайё этиб, муқаррар равишда уларнинг аҳволидан хабардор бўлиб туришни буюрдим. Агар сипоҳийлар тоифасидан бўлсалар, хизмат ўринларини белгилаб, ҳол-аҳволларига яраша эҳтиёжлари таъминлансин. Агар касбу ҳунар ва маърифат аҳлларидан бўлсалар, бундайларга салтанат корхоналаридан юмуш берилсин. Булардан бошқа билагида кучи бор фақир-мискинлар эса ўз аҳволи ва касбу корига қараб иш тутсинлар. Яна шундай амр қилдимки, сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин. Деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экинтикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналар ва ёрдам берилсин.

Ҳар тоифа ва ҳар синфдан кимки ўз ихтиёри билан сипоҳийлик хизматига киришни истаса, уни ҳарбий [хизмат]га олсинлар. Асил ва шижоатли сипоҳийзода қайси тоифадан бўлмасин, унга ўрин бериб, хизматига ва ишига яраша тарбият қилсинлар.

Яна амр этдимки, узоқ-яқиндан бирон киши келиб, менинг мажлисимга кирар экан, қайси тоифадан бўлса ҳам, давлатим дастурхони неъматидан уни маҳрум қилмасинлар.

Кимки ҳузуримга киритилса ва кўзим унга тушса ҳолига яраша ҳурматлаб, совға-саломлар билан кузатсинлар. Ҳар қандай одам менинг адолат девонимдан паноҳ топган экан, гуноҳи бўлса ҳам, уни кечирсинлар. Иккинчи, учинчи марта яна гуноҳ йўлига кирса, у ҳолда гуноҳига яраша жазоласинлар.

## САЛТАНАТНИ ЎЗ ЭРКИМДА САҚЛАШ УЧУН АМАЛ ҚИЛГАН ТУЗУГИМ

Ушбу ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олганлигим учун тўла мустақиллик билан салтанат тахтига ўтирдим. Ўз тажрибамдан синаб билдимки, агар қай бир подшоҳ шу ўн икки нарсага эга бўлмас экан, салтанатдан бебаҳра қолур.

[Подшоҳ]:

**Биринчидан**, ўз сўзига эга бўлсин, ишини ўзи билиб қилсин, яъни раият подшосининг айтган сўзини, қилган ишини ўзи айтади, ўзи қилади, ҳеч ким бунга аралашолмайди, деб билсин. Шундай бўлгач, подшоҳ салтанат мартабасига шерик бўлгудек қилиб бировнинг гапига ва ишига эргашмасин. Гарчи яхши сўзни ҳаммадан эшитиш зарур бўлса ҳам, лекин сўзда, ишда бошқалар салтанат ишларида подшоҳга шерик ёхуд устун бўлмасликлари шарт.

**Иккинчидан,** султон ҳар нарсада адолатпеша бўлсин, қошида инсофли, адолатли вазирлар тутсин, токи подшоҳ зулм қилгудек бўлса, одил вазир унинг чорасини топсин. Агарда вазир золим бўлса, кўп вақт ўтмай салтанат уйи қулайди. Чунончи, амир Ҳусайннинг золим бир вазири бор эди. У сипоҳу раиятга ноҳақ жарималар солар эди. Орадан кўп вақт ўтмай ўша ноинсоф вазирнинг шумлигидан амир Ҳусайннинг салтанат уйи хароб бўлди.

**Учинчидан,** бутун мамлакатда буйруқ ва тақиқлашлар подшоҳнинг ўз ихтиёрида бўлиши лозим. Подшоҳ ҳар ишда ўзи ҳукм чиқарсин, токи ҳеч ким унинг ҳукмига аралашиб, ўзгартира олмасин.

**Тўртинчидан,** подшоҳ ўз қарорида қатъий бўлсин, яъни ҳар қандай ишни қилишга қасд қилар экан, уни бекор этмасин ва то битмагунича ундан қўл тортмасин.

**Бешинчидан,** подшоҳ ҳукми жорий этилиши зарур, яъни қандай ҳукм чиқаришидан қатъи назар, амалга оширилиши керак. Бирон кимса гарчи ҳукмни зарарли деб билган бўлса ҳам, унга монелик қилолмасин. Чунончи, эшитганманки, султон Маҳмуд Ғазнавий[1] Ғазна шаҳри[2] майдонига катта тошни келтириб қўйишни буюрган экан. Ундан ўткинчи-кеткинчиларнинг от-уловлари ҳуркиб ўта олмай қолибди. Шунда одамлар тош йўл бўйидан олиб ташланса, деб султон ҳузурига қанчалик арз-шикоят қилиб боришмасин, султон «чиқарган ҳукмимдан қайтмайман, унга хилоф бирон иш ҳам қилмайман», деган экан.

**Олтинчидан,** подшоҳлик ишларини тамоман бошқага топшириб, эркни унга бериб қўймасинким, дунё бевафо хотин каби, унинг хуштори кўпдир. Агар шундай қилар экан, ўзганинг нафси тез орада подшоҳ бўлишни тилаб, салтанат тахтини ўзи эгаллашга киришади. Чунончи султон Маҳмудга хоинлик қилган вазирлар уни салтанат тахтидан тушириб, тахтни ўзлари эгалладилар. Шундай бўлгач, салтанат ишларини ишончли ва мўътабар бир неча кишига бўлиб бериш лозим. Шунда ҳар бири ўз ишига боғланиб, салтанат тахтига кўз олайтира олмайди.

**Еттинчидан**, салтанат ишларида ҳар кимнинг сўзини эшитсин, ҳар кимдан фикр олсин, [Лекин] қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгил хазинасида сақлаб, вақтида ишлатсин.

**Саккизинчидан**, салтанат ишларида, сипоҳу раиятга боғлиқ масалаларда бошқаларнинг сўз ва феълига қараб иш тутмасин. Вазирлар, амирлар бирон кимса ҳақида яхшиёмон сўз қилар эканлар, эшитсин. Лекин амал қилишда бутун ҳақиқат аён бўлмагунча шошмай, мулоҳаза билан иш тутсин.

**Тўққизинчидан**, подшоҳ ҳайбати сипоҳу раият кўнглида шундай ўрнашган бўлиши керакки, унинг амр-фармонига ҳеч ким қаршилик қилишга журъат этолмасин; итоат ва тобеълик қилсин; исён кўтармасин.

**Ўнинчидан,** [подшоҳ] нима қилса, ўз эркича қилсин, нима деса ўз сўзида қатъий турсин, чунки подшоҳларнинг ҳукм ҳурматидан бошқа бахрамандликлари йўқдир. Хазина, лашкар, раият, салтанат – буларнинг бариси унинг ҳукми биландир.

**Ўн биринчидан,** салтанат ишларида, ҳукм юргизишда подшоҳ ўзини ягона билиб, ҳеч кимни ўзига салтанат шериги қилмасин.

**Ўн иккинчидан**, [подшоҳ] мажлис аҳлидан огоҳ ва ҳушёр бўлсинким, улар кўпинча айб ахтариб, гапни ташқарига ташийдилар, подшоҳнинг сўзидан, ишидан вазирларга, амирларга хабар бериб турадилар. Масалан, шунга ўхшаш бир воқеа менинг ўзим билан [ҳам] рўй берганди. Ўзимнинг хос мажлисимдаги бир қанча суҳбатдошларим вазирлар ва амирларимнинг жосуслари бўлиб чиқди.

***(Давоми бор).***

---

*1 **Маҳмуд Ғазнавий** – Хуросон, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистонни 977-1186 йиллар идора қилган ғазнавийлар сулоласининг йирик намояндаси (998-1030); машҳур фотиҳ, илм-фан ва адабиёт ҳомийси.*

*2 **Ғазна (Ғазни)** – Кобулнинг жанубида, Қандаҳор орқали Лоҳур ва Шимолий Ҳиндистоннинг бошқа шаҳарларига олиб борадиган йўл устида жойлашган пойтахт шаҳар.*

Ўз-ўзи ўлганнинг доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

*(Давоми. Боши ўтган сонларда).*

Сен ҳикматли рисолаларни ўқишинг ёки ўзинг ҳам рисола бунёд қилишинг мумкин. **«Рисола»** сўзининг замирига боқ, унда сир, сира, сол, сора, асир, роса, расо, ари ва сари сўзларини кўрасан. Агар сен ўтмишда ота-боболаримиз томонидан ёзиб қолдирилган одобахлоқ ва ҳикматга оид рисолаларни ўқисанг, улардаги **«сир»**ларга қалбинг **«асир»** бўлиб, **«сира»** дил узолмайсан. Агар уларнинг маъносига **«роса»** диққат қилсанг, ақлу шуур бобида **«расо»**лик топиб, бахту иқбол **«сари»** юз қўясан, бол **«ари»** каби ҳикмат болини йиғасан. Рисолага боқ, унинг юраги илму ҳикматни кўнглингга **«сол»** деб турибди.

**Оламдан кўз юмиб кетар мусанниф,**
**Мусанниф тилидан гапирар тасниф.**
**Олим ўлар, аммо қолар китоби,**
**Қулокдан кетмайди демак хитоби.**
**Олим ўлар, аммо дили қолади,**
**Ёзган китоблари – тили қолади.**
**Олим китоб ёзар, минг йилни кўзлар,**
**Ўзи ўлар, аммо китоби сўзлар.**

Китобнинг яна бир номи **«нома»**дир. Масалан, Бобирнома (Бобир ёзган китоб), Қобуснома, Меҳмоннома ва ҳоказо. Агар сен бу **«нома»**ларни ўқисанг, шубҳасиз, нодонликдан амон топасан, **«нома»**ни қара, уни ағдариб ўқисанг **«амон»** бўлади, **«амон»**нинг терсидан борсанг, **«нома»** бўлиб турибди. **«Нома»**ларни дилингга солаверсанг, улар **«она»** янглиғ сени парвариш қилиб, оламда яхши деган **«ном»** қолдиришингга сабабчи бўладилар. Улардаги ҳар бир **«ҳарф»** сен учун **«фар»** (нур) бўлиб, **«раҳ»** (йўл)ингни ёритади ва сендан жаҳолат зулматини **«раф»** (йўқ) қилади.

Китоб ўқидингми, сенга **«қалам»** ҳамиша ҳамроҳ бўлсин, ҳаётинг учун зарур бўлган сўзларни ёзиб ол, унга **«амал»** қил ва **«ақл»**ингни чархла. **«Давот»** (сиёҳдон)ни ҳамиша шай тут, у сен учун **«овда»**ги **«от»** бўлади ва сиёҳи билан дардингга **«даво»** бўлади. Саводингни пухта бўлишига ҳаракат қилки, **«савод»**инг **«савдо»** каби сенга фойда етказади, қалб дардига **«даво»** бўлади, тўғри йўл сари **«садо»** бериб туради, илм учун бўлган **«овда»** машаққат билан **«адо»** бўлмайсан.

Умуман, китоб гўё Қуёшга ўхшайди, **«куёш»** сен учун Ҳумо **«куш»**и бўлиб, кўзингдан ғам **«ёш»**ининг тўкилишига йўл қўймайди ва нодонлик уруғини **«ёқ»**ади. Қара, **«китоб» «офтоб»**га шаклдошдир, ҳар иккисининг ҳам вужудида **«тоб»** бор, демак китоб офтоб бўлиб, сени илм нури билан **«тоб»**лайди, барча **«офот»**лардан асрайди, илм **«об»**и (суви) билан **«бот-бот»** қалбингга ўрнашиб олган зангни ювади. Қара, қуёш нурдир, нур сўзининг кўплиги эса **«анвор»**дир, **«анвор»**нинг вужудида эса **«анор»** бўлиб, у вужудингга қон бўлиб оқиб киради ёки унда **«нор»** (олов) бўлиб, жаҳл тиконзорини куйдиради.

**Нурга ташна бўлсанг, офтобга юзлан,**
**Дурга ташна бўлсанг, китобга юзлан.**
**Китобким, тилларда номи китобдир,**
**Аслида эл учун нурли офтобдир.**

## ОЛИМНИНГ ФАЗИЛАТИ, ИЛМНИНГ ФОЙДАЛАРИ ВА НОДОНЛИКНИНГ ЗАРАРЛАРИ ҲАҚИДА

**Эй ўғлим!** Нодонлик ***«ажал»***и ***«жало»*** бўлиб ёғмасин десанг, олимларга яқин юр.

**Уламо аҳлининг гадоси бўлгин,**
**Авлиё аҳлининг фидоси бўлгин.**
**Олим киши элга қуёш бўлади,**
**Қўрқинчли йўлларда йўлдош бўлади.**

***«Олим»*** сўзининг ҳар бир ҳарфи бир маънога эга бўлиб, ***«оғзи лаболаб илму маъно»*** демакдир. Ўз навбатида бу сўзларнинг ҳам чуқур маънолари борки, уларни сенга изоҳлаб берай.

***Биринчи*** – олим кишига ***«йўлдош»*** бўлсанг, ҳаётда ***«шод»*** қилувчи ***«йўл»***га эга бўласан. Олимнинг ***«оғзи»***даги илми сен учун руҳий ***«озиғ»*** бўлиб, ***«рух»***инг бу илмдан ***«ҳур»(озод)*** бўлади.

**Ёмон йўлни элга золим кўрсатар,**
**Ҳақиқат йўлини олим кўрсатар.**
**Садафлар бўлмаса дур ҳам бўлмасди,**
**Олимлар бўлмаса нур ҳам бўлмасди.**

***Иккинчи*** – олимнинг ***«лаболаб»*** илмидан ***«лаб»***инг ***«бол»*** топиб, барчани ***«лол»*** қолдираган доно ***«бола»*** бўласан. Қалбингдаги илм қуши ***«болалаб»***, илмингдан бошқаларнинг қалбини ҳам ***«лаболаб»*** қиласан.

**Дарёга шўнғисанг дурга етасан,**
**Илмга шўнғисанг нурга етасан.**
**Ким илм аҳлидир нур йиғмоқ иши,**
**Сўзлар денгизидан дур йиғмоқ иши.**

***Учинчи*** - олимдаги ***«илм»***дан олам яхшиликка лиммо - ***«лим»*** тўлади. Олимнинг ***«илм»***и бамисоли ***«мил»*** бўлиб, мил эса кўришга ***«мажол»***и бўлмаган кўзга ***«жамол»*** бағишлайди.

**Ер юзи куёшдан олар ёруғ нур,**
**Дил кўзи уламо аҳлидин ҳузур.**
**Илм – фазилатнинг улуғ гултожи,**
**Илмдан юз берар олам ривожи.**
**Илм – жаҳолатни қийратар олов,**
**Илм – барча қийин ишларга қалов**
**Илм – тўғри йўлни кўрсатур қуёш,**
**Илмдан кексалар ҳатто бўлур ёш.**
**Илм – юракларни ёритувчи нур,**
**Илм – кўнгилларга берувчи ҳузур.**
**Илмдан ватанинг бўлади обод,**
**Илмдан элингни мушкули барбод.**
**Ақлингни зиёда қилади илм,**
**Илмдан кўпаяр дилингда ҳилм.**

***Тўртинчи*** – ***«маъно»*** сўзи араб тилида ***«айн»*** билан ёзилади. ***«Айн»*** сўзининг маъноси етмишдан ортиқ бўлиб, энг машҳур маънолари ***«кўз»*** ва ***«офтоб»***дир. ***«Маъно»***дан ***«айн»***ни олсанг, унда ***«нома»*** қолади. Демак олим ***«офтобнома»***, яъни ***«ёритувчи китоб»***дир. Агар уни ***«нома»*** деб ўқимасанг, ***«амон»*** деб ўқи, унда олим туфайли ҳар бир ***«кўз»*** илм нурини топиб ***«амон»*** бўлади.

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ**

*Анжуманлар*

# МУҲАНДИС-ПЕДАГОГЛАР ТАЙЁРЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА «КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ АСОСИДА МУҲАНДИС-ПЕДАГОГЛАР ТАЙЁРЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ» МАВЗУСИДА III РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ.**


Унинг очилиши ва ялпи мажлисида Тошкент Давлат техника университети (ТошДТУ) ректори, профессор Ш.Шообидов, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори А.Каримов, Тош ДТУ проректорлари, профессорлар К.Норқулова, М.Муҳаммадиевларнинг чиқишлари билан бошланди. Уларнинг ва ТошДТУ кафедра мудири, профессор П.Исматуллаев, электроника ва автоматика факультети декани, профессор Н.Зикриллаев, касб-ҳунар коллежлари директорлари А.Оринбоев, З.Ғаниев, М.Ҳасанхўжаевларнинг «Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларини сифатли педагог кадрлар билан таъминлашнинг долзарб масалалари», «ТошДТУ ва касб-ҳунар коллежлари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари ва унинг истиқболлари», «Маҳсулот сифати менежменти тизими соҳаларида кадрлар тайёрлаш муаммолари», «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида физикани ўқитишда янги лаборатория қурилмалари ва кўргазмали стендлар яратиш бўйича ТошДТУда олиб борилаётган ишлар», «Нефть-газ соҳаси кичик мутахассисларни тайёрлаш истиқболлари», «Машинасозлик соҳаларида касбий таълим фанларини ўқитиш муаммолари», «Энергетика соҳалари касб-ҳунар коллежларида мутахассислик фанларини ўқитиш муаммолари» каби маъруза ва бошқа илмий, ташкилий чиқишлар бўлди. Тавсиялар, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Анжуманнинг бешта шўъба йўналишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар вакилларининг 100 дан ортиқ долзарб мавзудаги маъруза ва бошқа илмий-амалий ишлари тақдим этилди.

Тадбир муносабати билан университетнинг кафедралари, факультетларидаги илмий ҳаётни ўзида акс эттирган стендлар, экспонатлар, китоб ва бошқа нашрлар кўргазмаси (уларнинг кўпчилиги шу университетда нашр қилинган)нинг ташкил этилиши устозлар ишининг давомийлигини, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишда кафедраларнинг илмий-педагогик салоҳияти даражасини, шу билан бирга муаммоларини ҳам кўрсатиб турибди.

Анжуман доирасида ТошДТУнинг профессор М.Баҳодирхонов раҳбарлик қилаётган «Электроника ва микроэлектроника» кафедрасида яратилган, юқори курс бакалавр иқтидорли талабалари ҳамда магистрлар иштирок этган лаборатория қурилмалари, стендлари, компьютерли анимация дастурлари, қуёш батареялари, видеофильмлар, электрон дарсликлар, физик катталикларнинг деворий кўргазма ва жадваллари, китобларнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ,**
**доцент**






*Тадбирлар*

# ЭРТАКЛАР — ЯХШИЛИККА ЕТАКЛАР

**«САРИҚ ДЕВНИ МИНИБ», «ШИРИН ҚОВУНЛАР МАМЛАКАТИДА», «БЕШ БОЛАЛИ ЙИГИТЧА», «ҚАСОСКОРНИНГ ОЛТИН БОШИ» АСАРЛАРИ МУАЛЛИФИ ХУДОЙБЕРДИ ТЎХТАБОЕВ АЛЛАҚАЧОН БОЛАЛАРНИНГ СЕВИМЛИ ЁЗУВЧИСИГА АЙЛАНИБ УЛГУРГАН. АЙНИҚСА, ЁЗУВЧИНИНГ «САРИҚ ДЕВНИ МИНИБ» РОМАНИ БОЛАЛАР ОРАСИДА МАШҲУР БЎЛИБ КЕТГАНКИ, ОРТИҚЧА ТАЪРИФГА СЎЗ ЙЎҚ.**

Ўқувчилар даврасида тез-тез бўлиб, улар билан мулоқот қилишдан чарчамайдиган Худойберди Тўхтабоев яқинда Юнусобод туманидаги 274-мактабда 5-«А» синф ўқувчиларига адабиётдан сабоқ берди. Муҳими, ўқитувчиликдан орттирган тажрибаси асқотиб, болажонларнинг севимли устозига айланиб улгурган Худойберди ака «Уч оға-ини ботирлар» эртаги бўйича болажонлар билан савол-жавоб ўтказди, ўқувчиларни баҳолади. Иккинчи соат янада қизиқарли ўтди. Чунки ёзувчининг «Сариқ девни миниб», «Қасоскорнинг олтин боши» асарлари ҳамда эртакчи-ёзувчи Жанни Родари фаолияти ҳақидаги ҳикояларини ўқувчилар мароқ билан тинглашди.

— Мактабимизда тез-тез «Ёзувчи дарси»ни уюштириш анъанага айланиб бормоқда, — дейди бу ҳақда она тили ва адабиёти ўқитувчиси Маҳмуда Валиева. — Бугунги дарсда иштирок этган Худойберди Тўхтабоев нафақат ёзувчи, балки моҳир педагог эканликларини ҳам исботладилар. Очиғи, бугунги дарсдан сўнг ўқувчиларда адабиётга, китобга меҳр уйғонишига шубҳа қилмайман.

Дарс якунлангач Худойберди Тўхтабоев синф ҳамда мактаб кутубхонасига китоблар ҳадя этди. Айниқса, 5-«А» синф ўқувчиларига ўзининг дастхати битилган китобларини топширар экан, болажонларнинг қувончдан порлаб кетган юз-кўзларини кузатиб ёзувчи шундай деди: — «Китоб ўқинг, жажжи дўстларим. Чунки китобдан ўзга ҳеч нарса энг яхши совға бўла олмайди, китобнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди».

Мактаб маъмурияти ташаббуси билан уюштирилган ушбу дарс ўқувчилару ўқитувчиларда яхши таассурот қолдирди. Назаримизда бу каби тажриба шаҳримизнинг бошқа мактабларида ҳам қўлланилса ўқувчининг маънан етук бўлиб вояга етишида ўзига хос омил бўларди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**
**СУРАТЛАРДА: Худойберди Тўхтабоев мактаб ўқувчиларига сабоқ бермоқда.**
**Владимир Гранкин олган суратлар**

**БУ МУҚАДДАС ЗАМИНДА ЯШАЁТГАН ҲАР ҚАЙСИ ИНСОН ЎЗ ФАРЗАНДИНИНГ БАХТИ-САОДАТИ, ФАЗЛУ КАМОЛИНИ КЎРИШ УЧУН БУТУН ҲАЁТИ ДАВОМИДА МЕҲНАТ ҚИЛАДИ.**

Шу боис ҳам мамлакатимизнинг истиқлол йўлида биринчи қадамлариданоқ буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим тизимини такомиллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, кучли ижтимоий ҳимояга қаратилган амалий ишлар бугунги кунда катта аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан олганда доимо элимиз эътиборида бўлиб келаётган ва куни кеча катта тантана билан нишонланган Халқаро ногиронлар куни Ҳамза туманидаги "Ал-авлод" кошонасида ҳам ўтказилиб, йиғилганларнинг қалбига бир олам шодлик олиб кирди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳамда Ҳамза тумани ҳокимиятлари, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Тошкент шаҳар "Нажот йўли" Ногиронлар жамоат бирлашмаси вакиллари, тадбирга таклиф этилган ногиронлар ва кам таъминланган оилалардан вакиллар иштирок этишди.



*Саховат*

# НОГИРОНЛАР КЎНГЛИ ЯЙРАДИ

Эл севган санъаткорлар—Илҳом Фармонов, Моҳира Асадова ва бошқалар ўз жозибали чиқишлари билан даврага ўзгача файз-тароват киритишди. Тадбир сўнгида барча ногиронларга, ёрдамга муҳтож инсонларга «Нажот йўли» ногиронлар жамоат бирлашмаси ҳамда бошқа ташкилотчилар томонидан ажратилган совғалар топширилди.

**Барно ШЕРБОЕВА**
**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа**

*Ёнғин хавфсизлиги ойлиги*

# ҚОИДАЛАРГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ЭТАЙЛИК

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2006 ЙИЛ 1 НОЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ФАРМОЙИШИГА АСОСАН 2006 ЙИЛ 10 НОЯБРДАН 10 ДЕКАБРГАЧА МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДИДА «ЁҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ» ЎТКАЗИЛМОҚДА.**

Биз қурилиш трести ҳамда бошқармалари раҳбариятига шуни эслатиб ўтишни истардикки, Тошкент шаҳрида янги қурилаётган ва таъмирланаётган масканларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилсак ёнғин содир бўлишининг олдини олган ва юрт бойлигини асраб қолган бўламиз.

Миробод тумани ИИБ ЁХБ сиздан ёнғин хавфсизлиги ойлигида фаол иштирок этишингизни ва ўзингиз ишлаётган қурилиш масканларида ёнғиннинг олдини олиш мақсадида қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишни сўрайди.

— қурилиш майдонлари ёнувчи чиқиндилардан ҳар доим тозаланиши керак;
— қўлбола электр иситиш анжомларидан фойдаланиш тақиқланади;
— электр тармоғи сақлагичларига қўлбола симлар ўрнатилмаслиги лозим;
— очиқ олов ёқилишига йўл қўйилмасин;
— вагонда, тақиқланган жойларда тамаки чекилмасин;
— вагоннинг тахта деворларига электр улагичлар ўрнатилмасин;
— кислород балонлар, бўёқлар, карбид, тахта материаллари бирга сақланишига йўл қўйилмасин;
— қурилиш ҳовлисида болалар ўйнаб юришлари ман этилсин;
— қурилиш майдонлари ўт ўчириш воситалари билан таъминлансин;
— электр-газ пайвандлаш ишлари даврида ёнғиндан сақлаш постлари қўйилсин.

**Жалол АСҚАРОВ,**
**Миробод тумани ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори, майор**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР | ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР | ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ТАБИИЙ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 8 августдаги «Ўзтрансгаз» АК фаолиятини ташкиллаштиришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПП-438-сонли Қарорига мувофиқ «Тошкентшаҳаргаз» ҳудудий газ таъминоти корхонаси «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги таркибидан «Ўзбекнефтгаз» МХК тасарруфидаги «Ўзтрансгаз» АК таркибига ўтказилганлиги муносабати билан «Тошкентшаҳаргаз» ҳудудий газ таъминоти корхонаси «Тошкентгазтаъминот» ҳудудлараро Унитар корхонасининг «Тошкентшаҳаргаз» бошқармасига ўзгартирилганлигини маълум қиламиз.

Барча эътирозлар бўйича икки ой муддат ичида қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин.

**Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 59-а. Индекс 100100, тел, 362-64-26.**

***«Тошкентшаҳаргаз» бошқармаси***

**«Ўзбектелеком» АКнинг «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали**

**Тошкент шаҳрининг телефон тармоғини модернизациялаш ва ривожлантириш режасига мувофиқ 2006 йилнинг 13 декабридан 72,74,75,76,78,79 АТСларнинг телефон рақамлари олдига «2» рақами қўшилган ҳолда еттита сонли рақамга ўтказилади, яъни 272,274,275,276,278,279 АТСлар бўлади. 336-АТСпрефикси 276-АТСга ўзгартирилади.**

**Маълумот учун телефонлар: 72-17-17, 74-17-17, 75-17-17, 76-17-17, 79-17-17 13.12.06 гача**

**Маълумот учун телефонлар: 272-17-17, 274-17-17, 275-17-17, 276-17-17, 279-17-17 13.12.06 дан сўнг.**

**«TSHNN» маъмурияти**

**Ўзбекларга рус тилини тезда ўргатаман. т :116-30-92**

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ғани Мавлянов кўчаси, 52-уй, 7-корпусидаги жисмоний шахс Абдувосиқ Валиевич Юсуповга қарашли савдо дўкони биносининг эгалик ҳуқуқи билан 7-127/2003 реестр рақамда битта бино Давлат кадастри ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент Давлат юридик институти томонидан 2001 йил Ҳошимова Роҳила Холмўминовна номига берилган С173 рўйхат рақамига эга №2298647 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**



**МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ**

Буюртма Г- 1307

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

**Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

***Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.***

**Нашр кўрсаткичи — 563**

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3962 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта булимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

1 2 3 4 6